

 Sahifani PDF tarzda yuklab olish (53 Kb)  Versiyasi  Sahifani doc tarzda yuklab olish (53 KB)

2014 йил, 21 ноябрь №245-б

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ

ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1958-сон қарори ҳамда 1-сонли Қурилаётган қархоналарнинг бирлашган дирекциясининг 2014 йил 11 ноябрдаги 01/05-172-сонли таклиф хатини инобатга олиб, таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган объектларни ўз вақтида қабул қилиб олишини ташкиллаштириш мақсадида:

1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳаражатлари ҳисобидан 2014 йили таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган мелиоратив объектларни қабул қилиб олиш комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссияга ҳар бир таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган мелиоратив объектларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш вазифаси юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 26 сентябрдаги 188-б сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича қотибиятига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгашининг Раиси**

Б.Янгибаев

Нукус ш.,

2014 йил, 21 ноябрь

245-б

Ko'rib chiqildi:

- 
- 
- 

[Vazirlar Kengashi](#) [Statistik va
tahliliy ma'lumotlar](#)
[Vazirliklar va idoralar](#) [Shahar
va tuman hokimliklari](#)

Hujjatlar Respublika
mehmonlariga Elektron
hukumat Interaktiv davlat
xizmatlar